

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ФАЛСАФАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АКАДЕМИК ЖОНДОР ТУЛЕНОВ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мурод Рустамович ШОКИРОВ

ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Бухоро академик лицейи

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада академик Жондор Туленовнинг фалсафий билимлар тараққиётига қўшган ҳиссаси, айниқса диалектика назариясини ривожлантиришда эришган ютуқлари, билиш усули ва услуби, ижтимоий фалсафа, билиш назарияси ва қадриятлар фалсафаси, маънавий ва маърифатни ривожлантириш соҳасида олиб борган ишлари, уларни Ўзбекистонда миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни ҳалол покиза, соф виждонли қилиб тарбиялаш ишига қўшган хизматлари ҳақида тўхтаб ўтилган.

Таянч сўзлар: гносеология, диалектика қонун ва категориялари, меътод ва методология, тараққиёт стратегияси, инсон қадри, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, маънавий янгиланиш, интеллектуал салоҳият, фалсафа мактаби, ёшлар дунёқараши.

ЗНАЧЕНИЕ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ АКАДЕМИКА ЖОНДОРА ТУЛЕНОВА В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ФИЛОСОФИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Мурод Рустамович ШОКИРОВ

преподаватель

Бухарский лицей

Академии наук Республики Узбекистан

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В этой статье рассказывается о вкладе академика Жондора Туленова в развитие философских знаний, в частности о его достижениях в развитии теории диалектики, его методе и методологии познания, работах в области социальной философии, теории познания и философии ценностей, развития духовности и просвещения. Также подчеркивается его роль в разработке национальной идеологии в Узбекистане и вкладе в дело воспитания молодежи честными и добросовестными личностями.

Ключевые слова: гносеология, законы и категории диалектики, метод и методология, стратегия развития, ценность человека, гармония национальных и общечеловеческих ценностей, духовное обновление, интеллектуальный потенциал, философская школа, мировоззрение молодежи.

Ҳозирги даврда Янги Ўзбекистонда содир бўлаётган янгиланиш жараёнлари мамлакат иқтисодий, маънавий ҳаёти ривожланиши учун фалсафа фани олдига ҳар қачондагидан ҳам муҳимроқ бўлган вазифаларни қўймоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, тараққиётнинг барқарор йўлини танлаш, демократик жамият куриш каби мақсадларга қаратилган. Бугунги глобллашув даврида мафкуравий полигонлар, ғоявий карама-қаршилиқлар кучайиб бораётган шароитда миллий фалсафий меросни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш республикамиз тараққиётининг муҳим омилларидан биридир.

Академик Ж.Туленовнинг хизматлари фалсафий билимлар ривожига салмоқли ўрин тутди. У диалектика назариясининг долзарб масалаларини ишлаб чиқиш билан фалсафий билимлар ривожига катта ҳисса қўшди. Диалектика қонунлари, категориялари, билишнинг диалектик тамойиллари, уларнинг ўзаро муносабати, ҳаётда тутган ўрни масалалари олим ижодининг асосини ташкил қилди. Маълумки, диалектика қонун ва категориялари, тамойиллари билишнинг, олами ўзгартиришнинг назарий қуроли вазифасини ўтайди. Айниқса, жамиятимиз ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган бир вақтда ҳаётга бундай ёндашишнинг аҳамияти беқиёс. Мустақилликнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш айнан диалектик тафаккур йўли билан ҳал қилинади. Диалектика объектив борлиқ ва билишнинг энг умумий шакллариини ўрганар экан, методологик функцияни бажаради. Унинг қонун ва категорияларини билиш асосида инсонлар ўз ҳаётий йўналишларини белгилаб оладилар, ўзларининг кундалик фаолиятларида ютуқларга эришадилар. Диалектик метод ўзининг ҳаётийлиги, илмийлиги билан доимо ҳар бир инсоннинг, бутун жамиятнинг муаммоларини ҳал қилишда яқиндан ёрдам бериб келади. Маълум методга асосланганлик инсон турмуш тарзининг мақсадга қаратилган фаолиятининг зарурий хусусиятидир. Ж.Туленов фалсафий меросида диалектика бутун олам, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг энг умумий методи

сифатида қўлланилади. Шу йўл билан диалектика инсон фаолиятининг барча соҳаларида қўлланилиб, дунёқараш ҳосил қилиш усули сифатида ривожлантирилади. Олим бу ҳақида қуйидагича фикр билдиради, “одамлар бунёдкорлик фаолиятининг илмий асосини ташкил этадиган илмий-методик қуролга муҳтождирлар. Ҳаёт сабоғи шундан далолат берадики, мазкур вазифани диалектика таълимоти ёрдамида ечиш мумкин. Кўп асрлар давомида ривожланган диалектика таълимоти мазмунан бой ва қудратли маънавий куч саналади” [4; 4].

Ж.Туленов метод масаласига жиддий эътибор қаратади. Унинг фикрича, инсон маълум натижани қўлга киритиш учун фойдаланадиган методлар тасодифий бўлмасдан, балки, олдинга қўйилган мақсаднинг мазмунидан зарурий тарзда келиб чиқади. Мақсад худди қонун каби инсоннинг амалий фаолиятини белгилаб беради. Ҳар қандай эмас, балки аниқ, изчил белгиланган фаолият, қатъий аниқ бўлган воситалар ёрдамидагина кутилган ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Ж.Туленовнинг диалектика қонунлари, категориялар ҳақидаги фикрлари илмий мақолаларида, халқаро анжуманларда қилган маърузаларида, диалектика назариясига бағишланган китобларига, хусусан, ривожланиш назарияси қонун ва категорияларига бағишланган илмий хулосаларида назарга ташлана бошлади. Айниқса, унинг “қонун” категориясига бағишланган илмий хулосалари кенг жамоатчилик диққатини ўзига жалб қилган эди. Бу адабиётларда диалектика қонун ва категориялари яхлит ўзаро алоқадорликда бўлган система сифатида ёритилган эди. Айниқса, диалектика категорияларининг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг ҳар бирида бир неча хусусиятларнинг намоён бўлиши, ўзаро таъсири, бир-бирига ўтувчанлиги каби хусусиятлар ўз аксини топган. Ж.Туленов фалсафий қарашларининг ўзига хошлиги ва билишдаги аҳамияти унинг жамият ҳаёти ва ривожлариниши билан яқиндан алоқадор эканлиги жиҳатидан характерланади. Унда, билиш жараёнида объектив ва субъектив диалектиканинг ўзаро алоқадорлигига катта эътибор берилади.

Ж. Туленовнинг диалектика қонун ва категориялари ҳақидаги қарашлари шаклланишида шу давр файласуфларидан фалсафа фанлари доктори, профессор А.П.Шептулин, В.С.Готт, академик В.Г.Афанасев, академик М.Б.Митин, И.Д.Андреев, А.И.Уёмов, Л.Б. Баженов, Л.Н.Никитин, Э.Г. Юдин, профессор Л.К. Науменко, фалсафа фанлари доктори, профессор М.С.Каган, В.И. Кремянский, академик Т.И.Ойзерман, фалсафа фанлари доктори профессор В.Н. Сагатовский, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.И. Жуков, А.Н. Аверьянов қабиларнинг қарашлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу давр адабиётларида билиш жараёнида оламга системавий (тизимли) ёндашиш масаласи кун тартибига қўйилган эди. Бундай ёндашиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

Биринчидан, инсон билиши ва амалий фаолиятининг турли соҳаларида системавий ёндашишнинг келажакдаги ривожланиши ҳақида муайян маълумотлар олинган эди; иккинчидан, формал мантиқий таҳлил олиб борилган эди (буни А.И.Уёмов тадқиқотлари мисолида кўрамиз); учинчидан, мантиқий методологик асослар таҳлил қилинган эди; тўртинчидан, категориал-мазмуний таҳлил этишга урунишлар назарга ташланади (В.Г.Афанасев, М.С.Каган, М.И.Сетров ва бошқалар). Бу йўналишларнинг ҳар бири масалани ечишга ўзининг алоҳида ҳиссасини қўшди. Бироқ, уларнинг ҳар бирида ўзига хос бир томонламаликларга ҳам йўл қўйилган эди.

Қайси бир соҳа бўйича масалаларга муносабат билдирилмасин, Ж.Туленов тафаккурида воқеа ва ҳодисаларни атрофлича таҳлил қилиш, ҳулосаларда изчиллик ва етарлича асосланганликни кўриш мумкин. Унинг мулоҳазалари доимо тарихий далиллар билан асосланган, миллий руҳ билан бойитилган ҳолда бўлади. Замонавий муаммоларни ечишда эса у ўз мулоҳазаларини албатта ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, шунингдек, иқтисодий ҳаётнинг долзарб муаммолари билан боғланган ҳолда, уларнинг ечимини берар, ўзининг аниқ тавсиялари билан мутахассислар олдида вазифалар қўяр эди. Шубҳасиз, Ж.Туленовнинг бундай тавсиялари ҳар бир

соҳа мутахасислари учун диалектик тафаккур йўлини кўрсатувчи дастур сифатида хизмат қилиб келди. Унинг амалга оширишга улгурмаган ишларини бугун шогирдлари давом эттирмоқдалар.

Шу билан бирга Ж. Туленовнинг ижодида айниқса, Қадимги Шарқ, Марказий Осиё ва Ғарб мутафаккирларининг илмий меросига жиддий эътибор берилган эди. Масалан, у Муҳаммад Хоразмий, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абдуллоҳ Марвазий, Аҳмад Югнакийларнинг фалсафий илмий мероси атрофлича ўрганган, улар меросига тарихий давр талабларидан келиб чиқиб баҳо берган эди. Ж. Туленов ижодида Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Боласоғуний, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Умар Хайём, Гераклит, Платон, Аристотель ва бошқа олимлар, шоирлар, давлат ва жамоат арбобларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари таҳлил қилинди. Уларнинг ижодида учрайдиган ривожланиш ҳақидаги ғоялар ва уларнинг ижтимоий ахлоқий ҳаётга кўрсатган таъсири очиқ берилади [3;112–181].

Олим қардош халқлар ҳаётига, уларда яқин узоқ ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирлар ижодига таҳлилий баҳо беради. Масалан, туркман халқининг оташнафас шоири Маҳтумқули; қозоқ халқининг буюк оқини Чўқон Валихонов, Абай Қўнонбоев; тожик халқи вакили Асирий, қорақалпоқ халқи вакили Б. Бердимуратов каби шоир, олим ва жамоат арбобларининг ҳаёти, ижодий фаолиятига ўз муносабатини билдирди [3;167–170].

Ж.Туленовнинг фалсафий ижоди бошдан охир ривожланиш назарияси, унинг муаммолари билан боғлиқ. Шу муносабат билан, у ижодининг бугунини ҳам, келажagini ҳам диалектика билан боғлиқ ғоялар қачон, қаердан келиб чиққан бўлса, ўша билан боғлашга, уларни таҳлил этишга ҳаракат қилди. У ўзининг “Диалектика категорияларининг ўзаро алоқаси” номли монографиясида мазкур масала бўйича антик давр файласуфларидан Гераклит, Платон, Аристотель қарашларини атрофлича таҳлил қилди.

Ж.Туленов шундай ёзади: “Антик давр файласуфлари орасида диалектика категориялари системаси ҳақида жуда кўп ёзган файласуф Аристотелдир. Аристотель ҳисоблашича, категориялар борлиқнинг энг умумий ва муҳим бўлган томонларини бизнинг миямизда акс этишидир. Платоннинг нарсалар ғояларнинг инъикосидир деган фикрига қарама-қарши ҳолда Аристотель категорияларни моддий оламдан келтириб чиқаради. Унинг фикрича, тушунчалар ҳеч қачон нарсалар мавжудлигининг сабаби бўла олмайди” [2;111].

Академик Ж. Туленовнинг фалсафани ривожлантиришдаги хизматларини қуйидаги йўналишларда кўришимиз мумкин:

1. Ривожланиш назариясига, хусусан, диалектика қонун ва категорияларига бўлган муносабатда эскича ёндашув андозаларини ўзгартириб юборди.

2. Диалектика қонун ва категориялари орасидаги муносабатни тушунишни янги босқичга кўтарди.

3. Диалектика категорияларининг ўзаро бир-бири билан ўрин аламашишини кашф қилди ва уни билаш жараёнига ва амалиётга татбиқ қилди.

4. Ҳақиқат масаласига мантиқий диалектик ёндашишни юқори босқичга кўтарди.

5. Академик И.Мўминов, М.Хайруллоев, М. Баротов каби олимларнинг илмий ижодий меъросини чуқур ўрганиш асосида уларнинг таълимотини ривожлантирди.

6. Диалектик назария ва табиий илмий фанлар орасидаги муносабатни яқинлаштирди.

7. Ж.Туленов ташаббуси ва ташкилотчилиги билан рус, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, ўзбек олимлари орасида илмий, ижодий ҳамкорлик юқори босқичга кўтарилди. Файласуф олимлар ўзаро ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бордилар, биргаликда китоблар ёздилар, устоз-шогирдлик муносабатлари ташкил қилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон

фанлар академиялари орасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Шу туфайли Ж.Туленов номи Ўзбекистондагина эмас, балки, Марказий Осиёда катта ҳурмат қозонди.

8. Ж.Туленов ташаббуси ва раҳбарлиги асосида халқаро миқёсида бир неча марта “Диалектика ва билиш” масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ташкил қилинди. Анжуманларда эришилган натижалар чоп қилиниб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди.

9. У 50 дан ортиқ фан докторлари, 100 дан ортиқ фан номзодларини тарбиялаб етиштирди. Уларнинг бир нечаси бугунги кунда ўз фалсафий мактабларига эга бўдилар.

Ж. Туленов воқеаларга диалектик назар билан қарар экан келажакни олдиндан кўра олар, кундалик воқеаларга ҳозиржавоблик билан назар ташлар эди. У кўриб чиққан жуда кўп илмий муаммолар Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва маънавий мустақиллиги шароитида амалий ва умумдават даражасидаги вазифаларга айланиб борди. Ж. Туленов Ўзбекистонда ижтимоий фанларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Академик Жондор Туленовнинг фалсафий мероси Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари фалсафий тафаккури тараққиётида ўзига хос ўрин тутди. Айниқса, унинг диалектика назарияси, билиш, ҳамда қадриятлар фалсафаси соҳасида эришган ютуқлари жамият ҳаёти ва уни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Ж. Туленовнинг илмий билиш методологияси ҳақидаги тадқиқотлари ижтимоий ҳодисаларни билиш, маънавият ва унинг жамият ҳаётидаги ролини тушунишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Академик Жондор Туленов ҳаёти ва ижоди тўлалигича фалсафанинг келиб чиқиши, ривожланиши, унинг муаммолари ва ечимларини ёритишга қаратилган фаолиятдир. Бунда фалсафанинг ривожланиши учун асос бўладиган барча шарт-шароитлар, қонунлар ва ижтимоий ҳаётда, амалиётда эришилган ютуқлар батафсил ўз аксини топади

Ж.Туленов ўқув юртларида раҳбар, докторлик ва номзодлик ишларини химоя қилиш бўйича Кенгаш раиси сифатида ёш мутахассисларни тарбиялаб етиштиришда ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келди. Ж. Туленов ташаббуси ва ташкилотчилиги туфайли Ўзбекистон олий ўқув юртларида фаолият олиб борадиган мутахассислар фалсафа фанининг алоҳида соҳалари бўйича илмий – амалий алоқалар боғладилар. Улар ҳосил қилган натижалар республика ва халқаро миқёсда ташкил этилган илмий–амалий анжуманларда кўриб чиқилди.

Академик Ж.Т. Туленов Россия, Қозоғистон олимлари билан ҳам яқин алоқада бўлиб, илмий ҳамкорлик ишларини олиб борди. Олимнинг бир неча шогирдлари Россиянинг турли ўлкаларидан, Қозоғистон ва Туркменистондан эди. Собиқ иттифокнинг турли республикаларидан Ж.Туленовга илмий маслаҳатлар олиш учун келиб турар эдилар. Шу жиҳати билан олим собиқ иттифокда танилган, бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилган мутахассис эди. Олимнинг “Қадриятлар фалсафаси” номли китобида қадриятлар, унинг келиб чиқиши, шакллари ва ривожланиш қонунлари ҳақида батафсил мулоҳазалар юритилган. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг диалектик алоқаси очиқ берилган.

Айтиб ўтилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, академик Ж.Т.Туленовнинг фалсафий тадқиқот соҳалари жуда кенглиги, уларда қўлга киритилган ютуқларнинг чуқур мазмунли ва ҳаётий аҳамияти жуда катталиги ҳақида алоҳида таъкидлаш жоиз. Академик Ж. Туленовнинг диалектика назарияси, билиш методлари ва методологияси, диалектика қонун ва категориялари, қадриятлар фалсафаси, миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси ҳақида ҳосил қилган салмоқли хулосалари шундай дейишга етарли асос бўлади. Бугунги кунда олим ижодининг ҳар бир йўналиши устида алоҳида тадқиқот олиб бориш, уни ҳаётга тадбиқ этиш ва оммалаштириш зарур. Ж.Туленов диалектик ғоялари маданият ва қадриятларни ривожлантириш йўллари кўрсатади ва шу билан жамият тараққиёти пойдеворини мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Туленов Ж.Т Диалектика и современность. – Ташкент: Фан, 1988.
2. Туленов Ж. Гафуров З. Фалсафа. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
3. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
4. Туленов Ж. Диалектика назарияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.